

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 03.08.2023-yildagi “2023-2026-yillarda uzumchilik va vinochilik sohasini yanada rivojlantirishga qaratilgan chora-tadbirlar to'g'risida” PQ-260 sonli qarori.
2. A.A.Abdug'aniyev “QISHLOQ XO'JALIGI IQTISODIYOTI” (darslik), O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti Toshkent – 2006 yil, 288 bet. (TDIU kutubxonasi 6391) Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti.
3. Сауханов Ж.К. Азрар тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатларини пасайтириш: муаммолар, усуллар ва моделлар. (Монография) Т.: “Lesson Press” МЧЖ нашриёти, 2022. - 235 б. ISBN 978-9943-8475-4-5.
4. Qalmuratov B.S., “Ekonomika tiykarlari”. Oqiw metodikalıq qollanba. Toshkent- «METHODIST NASHRIYOTI»– 2023. 88 b.
5. Шаульская А.И. ФАКТОРЫ ЭФФЕКТИВНОСТИ ВОСПРОИЗВОДСТВА ВИНОВАРОВА // Вестник Алтайской академии экономики и права. – 2019. – № 12-3. – С. 153-157.
6. Экономическое обозрение №8 (236). <https://review.uz/post/eksportniyy-potentsial-uzbekskix-vinogradnikov>.

**ХУДУДЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ТАЪСИРИ**

Иномжоновна Феруза Алижоновна


Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти,
“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти” кафедраси ўқитувчиси
feruzainomjonova77@gmail.com

Сўнгги йилларда мамлакатамизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва бозор механизмларини жорий этиш бўйича кўламли ишлар амалга оширилган бўлиб, зеро, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш жоизки, мамлакат ялпи ички маҳсулотигади улуши юқори бўлиб, 2023 йилда 21,6 фоизи, айнан мазкур соҳага тўғри келади. Шунингдек, 2023 йилдаги иқтисодиётдаги жами банд аҳолининг 24,0 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоғига тўғри келиб, бу кўрсаткич 3,3 млн. нафар кишини ташкил этган[1]. Бу эса, нафақат ҳудудлар иқтисодиётнинг ривожлантириш, балки, аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш қишлоқ хўжалиги секторига бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

Шу сабабдан, қишлоқ хўжалик шшлаб чиқаришни диверсификация қилиш, ер ва сув муносабатларини такомиллаштириш, қулай агробизнес муҳитини ва юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, кооперация муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, соҳага бозор механизмларини, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳамда кадрлар салоҳиятини оширишда қуйидаги усутувор йўналишлар

сифатида белгиланган [2]: аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш; соҳа бошқарувида давлат иштирокини камайтириш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш; давлат бошқарувининг замонавий тизимларини ривожлантириш; тармоқни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш; қишлоқ хўжалигида илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш; қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш; тармоқ статистикасининг шаффоф тизимини ишлаб чиқиш.

Кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсирини баҳолаш юзасидан тадқиқотлар олиб борилган. Олиб борилган таҳлиллар натижаларига асосланиб таъкидлаш мумкинки, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири юқори бўлиб, унинг аҳамияти ва таъсири ҳудудлар қараб фарқланади [3].



1-расм. Қишлоқ хўжалиги соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши[1],% да

Худудлар иқтисодиётини комплекс ривожлантиришга хисса қўшишда қишлоқ хўжалигини потенциали юқори ҳисобланади[4]. Ҳақиқат шундаки, қишлоқ хўжалиги худудий ялпи маҳсулотнинг (ЯХМ) ўсишига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан ҳисобланиши илмий изланишларда асосланган[5].


Қишлоқ хўжалиги инновацияси нафақат янги ва такомиллашган юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар яратиш, балки ижобий ижтимоий таъсир кўрсатишга мўлжалланган тизимдир [6]. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва унинг экспорт ҳажми ЯХМ, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошишига ижобий таъсир қилиши аниқланган[7].

ЯХМ таркибида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улушида худудлар кесимида фарқланишлар мавжуд бўлсада, сезиларли даражада салмоғлидир (1-расм). 2022 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмида Самарқанд вилоятининг улуши 12,0 %ни, Андижон ва Тошкент вилоятлари мос равишда 10,3 % ва 9,6 % кўрсаткич билан кейинги ўринларни эгаллаган бўлса, энг кам улуш Сирдарё вилояти (3,4 %), Қорақалпоғистон Республикаси (3,9 %) ва Навоий вилоятида (4,4 %) қайд этилган (2-расм).



2-расм. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг худудлар кесимида тақсимланиши [1],% да

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 62,2 % и - деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 31,4 % фермер хўжаликларига, 6,4 % и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи корхоналарга тўғри келган. Жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан сут - 93,4 %, гўшт (тирик вазнда) - 87,9 %, Картошка- 72,2 %, Тухум - 61,9 % уй хўжаликлари хиссасига тўғри келади.



**3-расм. Етиштирилган асосий турдаги деҳқончилик
маҳсулотларида хўжалик тоифаларининг улуши[1],%да**

2022 йилда асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотлардан сабзавотларнинг 60,6 %и, полиз экинларининг 42,9 % и деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 3,8 % и қишлоқ хўжалиги мева ва резаворларнинг 53,5 % и узумнинг 45,2 % и деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан етиштирилган (3-расм).

Юқоридаги, маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳудудий ялпи маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг улуши сезиларли даражада эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ўз навбатида ЯХМ ўсишга бевосита таъсир ўтказади. Бундан ташқари, етиштирилган асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши уй хўжаликлари ҳиссасига тўғри келиши, аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадлари ўсишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. <https://stat.uz/ru>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 йилдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони.
3. Miteva A., *Trakia Journal of Sciences* 19(1), 141–147 (2021).
4. Benazzi K., Razzouki M., Gharrafi M., *Int J Innov Appl Stud.* 29(4), 936–944 (2020). <http://www.ijias.issr-journals.org/abstract>.
5. Koguashvili P., Maisuradze I., Student D., *Axali Ekonomisti* 18(01), 19–25 (2023).
6. Gnangnon S. K., 2019. *Journal of International Commerce, Economics and Policy* 10(02) 1950006.
7. Xolmurotov F. S., Xolmurotov X. S., and Yakubova Y.R., 2024. Assessment of the impact of agriculture on the regional socio-economic development. *E3S Web of Conferences* 548, 01003 (2024).